

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 202802

2022 й. «14» 12

684-5-71-ОВ/2022-сон

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кармана туман Ободонлаштириш бошқармаси номидан низоми асосида иш кўрувчи С.Садуллаев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "Muxammad Kelajak Sari" МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи устав Сандов Азам иккинчи томондан Кармана туман Дўрман МФЙ Хунармандлар кўчасини асфальтлаштириш таъмирлаш ишлари бўйича

### I. ТАРАФЛАР

1.1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**Қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгиланган бўлиши мумкин;

**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган вақтинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Кармана туман Кармана туман Дўрман МФЙ Хунармандлар кўчасини асфальтлаштириш таъмирлаш ишлари бўйича лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА

#### ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, (тендер) натижасида аниқланган ва Ободонлаштириш бошқармаси қарори (2022 йил " 09 " 12 № 202802-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиқимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **96 950 000** (Тўқсон олти миллион тўққиз юз эллик минг) сўми ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва вақтинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга қиради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_\_\_ кунни ташкил этади.

6.4 Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс ўтказади, бу **29 085 000** сўмни ташкил этади.

7.2 Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8.1 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига асосан ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.2 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5 Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.6 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7 Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9 Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.10 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтларини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аке эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## **IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ**

9.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2 Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

9.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **X. КАФОЛАТЛАР**

### **10.1 Пудратчи:**

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектурурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судга мурожаат қилишини истисно этмайди.

## **XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

### **11.1 Буюртмачи:**

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

### **11.2 Пудратчи:**

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

11.5 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

12.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2 Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3 Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

12.4 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % (фоизи) миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5% фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50% фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20%\_фоизи миқдориди жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7 Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

13.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### **XIV. АЛОХИДА ШАРТЛАР**

14.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

14.2 Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

14.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

14.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

14.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

14.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

14.7 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

14.8 Шартнома имзоланиб, Кармана тумани бўйича Ҳазначиликдан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга кириди ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.

14.9 Томонлар:

- Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

- Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки

ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

- Томонда ушбу Шартноманинг 6.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

15.1- Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характериға эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

15.2- Томонлар, уларнинг аффилиган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совгаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

15.3 Томонда ушбу Шартноманинг талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

15.4 Ушбу шартнома ҳуқуқий экспертизадан ўтказилгандан сўнг, Кармана туман газначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказилганда юридик кучга эга бўлади.

#### XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

##### ПУДРАТЧИ

**Muxammad Kelajak Sari MCHJ**  
Навоий шаҳар А.Авлодий 14а

ТЕЛ: 98-007-52-56

Х/р 2020 8000 3049 0722 3001

Банк номи **Микрокредит банк**

Банк коди(МФО) 00211

ИНН : 301 950 147

ХХТУТ \_\_\_\_\_

КТУТ \_\_\_\_\_



А.Сандов

##### БУЮРТМАЧИ

**Кармана туман Ободонлаштириш бошкармаси**  
Юридик манзилгоҳ; Кармана туман

ТЕЛ: 5325516

ШХ/Р: 100022860122347045204110010

Ташиқлот СТИР. 203005619

ХХТУТ

КТУТ \_\_\_\_\_

Газначилик бўлими: Молия Вазирлиги

Ягона газна ҳисоб варағи

Газначилик х/р: 23402000300100001010

Банк номи Тошкент ш. Марказий банк

Банк коди(МФО) 00014

Газначилик СТИРи: 201122919

Рахбар:



С.Садуллаев

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

VL6754652762

1. Loyiha turi : Shartnoma
2. Loyiha nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: "KARMANA TUMANI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" DAVLAT UNITAR KORXONASI tomonidan 14.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Karmana tuman  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:**



**O.R.SODIQOV**

14.12.2022

**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 202802 на приобретение Дўрман МФЙ Хунармандлар кўчасини жорий таъмирлаш**

Способ проведения электронный

Дата 09.12.2022

Время рассмотрения 09.12.2022 18:12

Закупочная комиссия Кармана туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SADULLAYEV SANJAR SALOXIDDINOVICH	раҳбар	1
<b>Секретарь комиссии</b>	VALIYEVA MUXAYYO RAUFOVNA	хисобчи	1
<b>Член комиссии</b>	TURG'UNOV ZAVQIDIN TULQIN O'G'LI	Механик	Кармана туман ободонлаштириш
<b>Член комиссии</b>	TUXTAYEV MARDON NEMATOVICH	хўжалик ишлар мудири	1
<b>Член комиссии</b>	HAMDAMOV NURALI ODILOVICH	Булим бошлиги	Кармана туман ободанлаштириш
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDOV XASAN FAYZULLAYEVICH	Йул буйича назоратчи	Кармана туман ободанлаштириш

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 09.12.2022 года № лота 202802.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 75

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту автомобильных дорог</b>	
Подробное описание	Дўрман МФЙ Хунармандлар кўчасини жорий таъмирлаш	
Количество товара	1.00	
Единица измерения		
Цена товара (услуги) за единицу	97 073 844.00	
Стартовая сумма	97 073 844.00	
Валюта	UZS	

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Курилиш категориясида Рейтинг даражасига эга ташкилот булиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш категориясида Рейтинг даражасига эга ташкилот булиши шарт

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMAD KELAJAK SARI	25	Прилагается документы в	25	Экспертная		



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
МЧЖ		полном объеме				
ООО QUVVAT NAVOIY 2020	25	25	20	Экспертная		
XAMRO - SHODI XK	25	есть	20	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	мавжуд	20	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	25	25	20	Экспертная		

Критерий №2 Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Етказиб бериш шартлари ва муддатлари, тулов шартлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMAD KELAJAK SARI МЧЖ	25	Прилагается документы в полном объеме	25	Экспертная		
ООО QUVVAT NAVOIY 2020	25	25	20	Экспертная		
XAMRO - SHODI XK	25	есть	20	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	мавжуд	20	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	25	25	20	Экспертная		

Критерий №3 Таклифнинг техник қисми

Тип: Текстовое значение

Описание: Таклифнинг техник қисми

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMAD KELAJAK SARI МЧЖ	25	Прилагается документы в полном объеме	25	Экспертная		
ООО QUVVAT NAVOIY 2020	25	25	15	Экспертная		
XAMRO - SHODI XK	25	есть	20	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	мавжуд	20	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	25	25	20	Экспертная		

Критерий №4 Иштирокчиларга томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш талаб этилади

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштирокчиларга томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш талаб этилади

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
MUHAMMAD KELAJAK SARI MЧЖ	25	Прилагается документы в полном объеме	25	Экспертная		
ООО QUVVAT NAVOIY 2020	25	25	20	Экспертная		
XAMRO - SHODI XK	25	есть	15	Экспертная		
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	25	мавжуд	15	Экспертная		
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	25	25	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
MUHAMMAD KELAJAK SARI MЧЖ	97 073 844.00	96 950 000.00 UZS	96 950 000.00	00.00	96 950 000.00	06.12.2022 15:39:58	9.68427
XAMRO - SHODI XK	97 073 844.00	97 073 844.00 UZS	97 073 844.00	00.00	97 073 844.00	06.12.2022 18:10:31	9.67192
ООО QUVVAT NAVOIY 2020	97 073 844.00	97 073 000.00 UZS	97 073 000.00	00.00	97 073 000.00	06.12.2022 17:54:05	9.672
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	97 073 844.00	93 889 005.00 UZS	93 889 005.00	00.00	93 889 005.00	08.12.2022 18:27:49	10
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	97 073 844.00	94 614 174.00 UZS	94 614 174.00	00.00	94 614 174.00	06.12.2022 22:22:54	9.92336

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
MUHAMMAD KELAJAK SARI MЧЖ	90	9.68427	99.68427
XAMRO - SHODI XK	67.5	9.67192	77.17192

OOO QUVVAT NAVOIY 2020	67.5		9.672	77.172
INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ	67.5		10	77.5
NAVOIY YANGI QURILISH SERVIS	67.5		9.92336	77.42336

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 202802 от 09.12.2022 года на приобретение Дўрман МФЙ Хунармандлар кўчасини жорий таъмирлаш определила победителем:

MUHAMMAD KELAJAK SARI MЧЖ  
301950147

и резервный исполнитель: INDUSTRY FINANCE TRADE MCHJ (303889734)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SADULLAYEV SANJAR SALOXIDDINOVICH	Согласен	
Член комиссии	TURG'UNOV ZAVQIDIN TULQIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	TUXTAYEV MARDON NEMATOVICH	Согласен	
Член комиссии	HAMDAMOV NURALI ODILOVICH	Согласен	
Член комиссии	MAXMUDOV XASAN FAYZULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП